

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 576-ҳадис

576/1100 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ صَلَّى عَلَى حِمَارٍ وَوَجَّهَهُ عَنِ يَسَارِ الْقِبْلَةِ؛ فَقِيلَ لَهُ:

تُصَلِّي لِغَيْرِ الْقِبْلَةِ. فَقَالَ: لَوْلَا أَنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَلَهُ لَمْ أَفْعَلْهُ.

576.1100. Анас ибн Сирин айтади:

«Анас Шомдан келганида уни кутиб олдик. Уни Айнут-тамрда\* учратдик. Шунда мен унинг эшак устида юзи бу тарафга, яъни қибланинг чап тарафига қараган ҳолда намоз ўқиётганини кўриб, «Қибладан бошқа томонга қараб намоз ўқиётганингизни кўрдимми?» дедим. Шунда у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қилганларини кўрмаганимда, бундай қилмас эдим», деди».

\* Ирокда, Карбало худудида жойлашган шаҳар. У билан Карбало шаҳрининг оралиғи 40 км келади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVARIDLARI